

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИ
ТИЗИМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Геология соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш, ўқитишнинг замонавий услубларидан кенг фойдаланиш, геология соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, геология соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқликни етарли даражада таъминлаш, ер ҳақидаги фанлар, шу жумладан уларнинг фундаментал йўналишлари ҳамда амалиёт ўртасида реал интеграциялашув жараёни учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат геология қўмитаси) тизимидаги Геология фанлари университети (кейинги ўринларда — Университет) геология соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт интеграциясини таъминловчи илмий кластер ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бўйича республиканинг таянч олий таълим муассасаси этиб белгилансин.

2. Қуйидагилар:

2022 — 2024 йилларда Геология фанлари университетини ривожлантириш дастури **1-иловага** мувофиқ;

Геология фанлари университети ихтисослашган кафедралари талабаларини амалиёт ўташ объектларига бириктириш жадвали **2-иловага** мувофиқ;

Геология фанлари университети учун харид қилинадиган замонавий лаборатория ва технологик ускуналар рўйхати **3-иловага** мувофиқ;

Нефть ва газ геологияси йўналишида амалга ошириладиган мақсадли илмий лойиҳалар рўйхати **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Университетдаги ўқув жараёнининг 70 фоизи илмий-амалий машғулотларга ажратилади;

Университетнинг ихтисослашган кафедралари талабаларининг амалиёт ўташ жараёни зарур шарт-шароитлар яратилган ҳолда мазкур қарорнинг **2-иловасида** назарда тутилган ташкилотлар билан биргаликда олиб борилади;

Йирик геология-қидирув экспедициялари ва саноат ташкилотларига амалиёт ўташ учун юборилган талабаларнинг яшаш харажатлари (овқатланиш, ётоқхона) ушбу ташкилотлар ҳисобидан қопланади, бундан Тошкент шаҳрида ва талаба доимий яшайдиган туман (шаҳар)да жойлашган ташкилотлар мустасно.

4. Давлат геология қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2022 йил 1 июлга қадар Университетнинг Кузатув кенгаши қарори билан саноатда аҳамияти юқори бўлган ноёб ва рангли металлларга бой бўлган истиқболли майдонларни аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб тасдиқлашни таъминласин;

2022 — 2024 йилларда Геология фанлари университетини ривожлантириш дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини қатъий назоратга олсин ҳамда самарали мониторингини йўлга қўйсин;

2022 йилдан бошлаб Университет профессор-ўқитувчиларининг тизимли равишда нуфузли хорижий олий таълим ва илмий ташкилотларда замонавий таълим усуллари асосида малакасини ошириш чораларини кўрсин;

2022 йил 1 сентябрга қадар Университет фаолиятига оид илмий-техник журнал чоп этилишини йўлга қўйсин;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Университет фаолиятида «Рақамли Университет» тизимини босқичма-босқич жорий этсин;

2023 йилдан бошлаб эҳтиёж юқори бўлган мутахассисликлар бўйича Университет тадқиқотчилари ва илмий ходимларини хорижий етакчи университет ва илмий ташкилотларга илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун юборишни йўлга қўйсин;

2023 йил 1 январдан бошлаб Университетда геология соҳаси ва кончилик саноати муаммоларини илмий асосда таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини халқаро даражада амалга оширилаётган илмий изланишлар билан интеграция қилиш ва SciVal платформасини кенг жорий этиш асосида илмий ва инновацион фаолиятни йўлга қўйсин;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Россия Федерацияси ва бошқа хорижий давлатларнинг илмий ташкилотлари ва етакчи геология-қидирув компанияларида Университет талабаларининг ишлаб чиқариш амалиёти ўташини йўлга қўйсин.

5. Қуйидагилар:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Термиз давлат университетининг Сурхондарё вилояти Бойсун туманида жойлашган 10,3 гектар ер майдонидан иборат Дарбанд дала-ўқув полигонини ҳудуднинг геологик тузилиши, тоғ жинсларининг литологик ва тузилмавий шарт-шароитларидан мақсадли фойдаланиш учун Университетга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида;

Тошкент вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Оқсоқ-ота дала-ўқув полигонининг ғарбий қисмидан 2,7 гектар ер майдонини Университетга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсин.

6. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Университет ахборот-ресурс марказининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси электрон ахборот-кутубхона ресурсига барча хизмат турларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида уланишини таъминласин.

7. Давлат геология қўмитаси:

Сурхондарё вилоятидаги Дарбанд ва Тошкент вилоятидаги Оқсоқ-ота дала-ўқув полигонларида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Университет талабаларининг ўқув амалиётини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратиш ва тегишли ҳудудларни ободонлаштириш чораларини кўрсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2022 йил якунига қадар Университет ҳузурида академик лицей ташкил этиш юзасидан асослантирилган таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Б.Ф. Исламов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорак якунида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 2 март,
ПҚ-154-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 2

2022 — 2024 йилларда Геология фанлари университетини ривожлантириш

ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Ўқув жараёнини такомиллаштириш					
1.	Иқтисодиёт тармоқлари ва меҳнат бозори талабларига мувофиқ ҳолда ўқув юкнамалари ҳажмини оптималлаштириш, компетенциявий ёндашув таъминланганини назарда тутувчи янги ўқув режаси ва фан дастурларини яратиш.	<p>1. Университет таълим йўналишлари бўйича ўқув режаси ва фан дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан ишчи гуруҳлар тузиш.</p> <p>2. Ишлаб чиқилган ўқув режаси ва фан дастурларида ўқув дастурлари ҳажмининг 70 фоизини амалиётга асосланган тартибда тасдиқлаш.</p> <p>3. Ўқув жараёнига геология тармоғи илмий-тадқиқот марказларининг етук мутахассисларини жалб этиш, уларнинг педагогик маҳоратини ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш.</p> <p>4. Тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурларини ўқув жараёнига жорий этиш.</p> <p>5. Янги ўқув режаси жорий қилинган академик гуруҳларда, кафедралар йиғилишлари, факультет ва Университет кенгашларида буюртмачи ташкилотлар, талабалар амалиёт ўташини таъминлаган ташкилотлар иштирокида битирувчилар эришган касб малакаларидан келиб чиқиб танқидий таҳлил ўтказиш, ўқув режаси ва фан дастурларини замон талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш.</p>	<p>2022 йил март</p> <p>2022 йил апрель</p> <p>2022/2023 ўқув йилидан</p> <p>2022/2023 ўқув йилидан</p> <p>2023/2024 ўқув йили якунига кўра</p>	-	<p>Геология фанлари университети</p> <p>(Б. Исламов),</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p> <p>(А. Тошқулов)</p>
2.	М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети билан халқаро ҳамкорлик доирасида бакалаврлар тайёрлаш.	1. М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети билан ҳамкорлик доирасида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб фаолият кўрсатиши белгиланган 2+2 икки дипломли кўшма таълим дастури учун зарур ўқув-услубий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш.	2022 йил март	Тўлов-контракт асосида	<p>Геология фанлари университети</p> <p>(Б. Исламов)</p>

		<p>2. Икки дипломли 2+2 қўшма таълим дастури, қабул квоталари, қабул қоидалари, қабул муддатлари ва бошқа зарур маълумотлар билан республика умумтаълим муассасалари битирувчи ўқувчиларини батафсил таништириш.</p> <p>3. Белгиланган тартибда иқтидорли ёшларни танлаш ва талабалikka қабул қилиш.</p> <p>4. Талабаларни Россия Федерациясининг геология ташкилотларида амалиёт ўташини ташкиллаштириш.</p> <p>5. Ўқув, илмий, тарбия жараёнини мунтазам мониторинг қилиш, Университет илмий кенгашида таҳлил қилиш, такомиллаштириш юзасидан аниқ самарали чоралар белгилаш ва амалга ошириш.</p>	<p>2022 йил март</p> <p>2022 йил май-июнь</p> <p>2023 йилдан бошлаб</p> <p>Мунтазам равишда (ҳар ўқув йилида икки марта)</p>		
3.	Университетда кафедралар тизимини такомиллаштириш.	<p>1. Тармоқ соҳасидаги мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ ташкил қилиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳ томонидан университетда, иқтисодиёт тармоқларида ва ҳудудларда янгидан фаолият кўрсатиши зарур бўлган кафедралар ва уларнинг филиаллари рўйхатини шакллантириш ҳамда асослаш.</p> <p>3. Кафедралар фаолият кўрсатишини бошлаш муддатларини белгилаш.</p> <p>4. Кафедраларни белгиланган муддатларда ўқув-услубий ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлаш.</p> <p>5. Кафедраларда профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш ҳамда кафедралар фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш.</p>	<p>2022 йил март</p> <p>2022 йил март</p> <p>2022/2023 ўқув йили</p> <p>2022 йил июнь</p> <p>2023 йил август</p>	-	<p>Геология фанлари университети</p> <p>(О. Қодиров),</p> <p>Давлат геология қўмитаси</p> <p>(Ш. Алимов)</p>
II. Ташкилотлар базасида амалиётни ташкил этиш					
4.	Талабаларда амалий ва ишлаб чиқариш кўникмаларини шакллантиришда иш берувчи ташкилотларнинг иштирокини ошириш ва масъулиятини белгилаш.	1. Университет талабаларининг амалиётини ташкил этиш бўйича амалиёт ўташ объектлари — иш берувчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш.	2022 йил март	-	<p>Геология фанлари университети</p> <p>(Б. Исламов),</p> <p>«Навоий КМК» АЖ</p> <p>(Қ. Санақулов),</p> <p>«Олмалик КМК» АЖ</p>

		<p>2. Замонавий техника ва технологияларни жорий этган етакчи ташкилотлар билан талабаларнинг амалиёт ўташи бўйича ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузишда, иш берувчи ташкилотларнинг талабаларда амалий ва ишлаб чиқариш кўникмаларини шакллантириш бўйича мажбуриятларини эътиборга олиш.</p> <p>3. Буюртмачи ташкилотлар томонидан мунтазам «Бўш иш ўринлари» ярмаркаларини ўтказиш.</p>	<p>2022 йил март-апрель</p> <p>Йилига 2 марта</p>		<p>(А. Хурсанов), «Ўзбекнефтгаз» АЖ (М. Абдуллаев), Давлат геология кўмитаси тизимидаги ташкилотлар раҳбарлари</p>
5.	Талабалар амалиёти бириктирилган ташкилотлар базасида самарали ташкил этилишини таъминлаш.	Талабалар амалиётини ташкилотлар базасида ўтказиш, амалиётни зарур жиҳоз ва техникалар, транспорт воситалари, талабалар яшаш шароитлари билан таъминлаш.	2022/2023 ўқув йилидан бошлаб	Амалиётга бириктирилган ташкилотлар маблағлари доирасида	Амалиётга бириктирилган ташкилотлар раҳбарлари
6.	Иқтисодиёт тармоқлари ва республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари ҳамда талабларига мувофиқ талабаларнинг соҳага интилиш ва қизиқишларини ривожлантириш.	<p>1. Амалиёт ўташ дастурини танқидий таҳлил қилиш, такомиллаштириш ва ўқув жараёнига жорий этиш.</p> <p>2. Талабалар амалиёти учун масъул ташкилотлар томонидан иқтидорли талабаларга истиқболда ўз иш ўринларини топишда кўмаклашиш мақсадида амалиёт даврида уларни мавсумий ишларга жалб қилган ҳолда кейинчалик ишга қабул қилиш имкониятини кўриб чиқиш ва йўлга қўйиш.</p>	<p>2022 йил март</p> <p>2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, мунтазам равишда</p>	Амалиётга бириктирилган ташкилотлар маблағлари доирасида	<p>Геология фанлари университети (Б. Исламов), Амалиётга бириктирилган ташкилотлар раҳбарлари</p>
III. Илмий-тадқиқот ва инновацияни ривожлантириш					
7.	Халқаро (шу жумладан, ҳамкорликдаги) илмий-тадқиқот грант лойиҳаларини амалга ошириш.	<p>1. Хорижий давлатлар олий таълим ва илмий муассасалари билан алоқалар ўрнатиш, қўшма конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ташкил этиш бўйича келишувларга эришиш.</p> <p>2. Халқаро алоқаларни йўлга қўйиш ва илмий ишларни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва дастурини тасдиқлаш ҳамда ўз фаолияти йўналишидаги ишларни ташкил этиш.</p> <p>3. Соҳага илғор илмий-тадқиқот ишланмаларини жорий этиш мақсадида Геология фанлари университети ва Жанубий Кореянинг тажрибага эга ихтисослашган компаниялари билан ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда ушбу ишларга Тошкент шаҳридаги Италиянинг Пиза университети филиалини жалб қилиш.</p>	<p>Ҳар йили 20 сентябрга қадар</p> <p>Ҳар йили 30 сентябрга қадар</p> <p>2022 йил март</p>	Инновацион ривожланиш вазирлиги, халқаро грантлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари	<p>Давлат геология кўмитаси (А. Қодирхўжаев), Геология фанлари университети (М. Исоқов)</p>